# Муборакбод этамиз!

Барча Ватандошларимизни, чет эллик ҳамкорларимизни, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган деҳқону фермерларни, ҳамда мазкур тизим ходимларини 2006 – Янги йил билан муборакбод этамиз. Янги йил хонадонингизга бахт ва омад, хурсандчилик, тўкин-сочинлик олиб келсин.

*"Ўзбек ипаги" уюшмаси*

---

# "Ёғгар"

ҳиссадорлик жамияти аъзолари 2005 – "Сиҳат-саломатлик йили"ни муваффақиятли якунлаган Беруний тумани меҳнаткашларини, мамлакатимиз аҳлини янги – 2006 йил билан самимий муборакбод этади.

Келажаги буюк Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин, обод ва озод юртимизда доимо тинчлик бўлсин!

„Ёғгар" ҳиссадорлик жамияти

---

*Жондан азиз кўриб ҳар бир болангни
Бағрида ўстирган ниҳолим дейсан.
Ҳар гиёҳ, ҳар майса кўзга тўтиё,
Шу Ватан борлиғим, иқболим дейсан.*





Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, уни ҳаёт гўзалликларига буркаётган бунёдкор халқимизни янги 2006 йил билан муборакбод этамиз! Фурсатдан фойдаланиб, республиканинг барча ўрмончилари номидан уларга соғлик-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

## Умид боғларингиз гуллаб-яшнайверсин!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси

ЦЕМЕНТ(Ахангаран) 44,0 ▼ - 0,03 | УГОЛЬ(бпк) 14,7 ▼ - 2,1 | АРМАТУРА 437,9 ▲ + 3,4 | СУПЕРФОСФАТ 63,6 ▲ + 0,9 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 192,9 ▲ + 0,02 | Символы цен: ▲+ Увеличилась; ± не изменилась; ▼- Снизилась; +0,0 на сколько сум | Сум/кг | Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ




## Тайсон - секундант

***All Boxing матбуот хизматининг маълум қилишича, профессионал боксннинг ўта оғир вазнида жаҳоннинг собиқ мутлақ чемпиони, афсонавий "Темир Майк" келгуси йилнинг 24 февралида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Темур Иброҳимовнинг секунданти сифатида рингга кўтарилиши кутилмоқда.***



Бу ҳақда Темур Иброҳимовнинг мураббийи Льюис хабар берган. Унинг таъкидлашича, Майк Тайсоннинг илк бор секундантлик масъулиятини зиммасига олиши шогирдининг чемпионлик камари учун яна бир қадам ташлаши билан оқланади.

- Темур ўз вазн тоифасида ҳавас қилса арзирли муваффақиятларга эришмоқда, - деди у жумладан. - Тайсоннинг биринчи секундантлигини айнан унинг навбатдаги "жанг"ида ўтказишга қарор қилгани ҳам бежиз эмас. Бу ўзбекистонлик истеъдодли чарм қўлқоп устасининг руҳий жиҳатдан рақибига нисбатан устунлигини ҳам таъминлайди.

Биз ҳам ўзбекистонлик бокс мухлислари номидан мураббийнинг ниятлари амалга ошишини тилаб қоламиз.

## Марадона қайтмоқда

***Яшил майдон юлдузлари ичида энг порлоқларидан бири бўлган аргентиналик Диего Марадона яна майдонга қайтиш нияти билан "ёнаётгани"ни айтган.***

- Ёшим элликка қараб кетаётган бўлсада, жисмоний ҳолатим ҳамон йигирма беш ёшар футболчиларники кабидир, - дейди Марадона. - Тўғри, 45 ёшида майдонга тушганлар кам. Бунақасини биргина ҳаётлигидаёқ афсонага айланиб улгурган Эдсон де Насименто - Пеле тимсолида кўришимиз мумкин. У, ҳатто, қирқ тўққиз ёшида ҳам Бразилия терма жамоаси таркибида майдонга тушганди. Мен у сингари юқори ўйин суръатини талаб этадиган баҳсларда иштирок этишни кўзлаётганим йўқ. Учинчи ёки тўртинчи дивизионда тўп сурадиган жамоа ўйинларида иштирок этиб, юрагимда ловуллаётган алангани бироз пасайтирсам, шунинг ўзи кифоя.



Маълумотларга қараганда, айни кунларда 1986 йилги жаҳон чемпиони билан Аргентинанинг тўртинчи дивизиони жамоаси саналмиш "Экскурсионистас" клуби шартнома имзолашни мўлжалламоқда. Жамоа ижрочи директори Габриело Нистатенинг таъкидлашича, музокаралар янги йилнинг бошларида ниҳоясига етади.

## Хорижлик мураббий

***Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонларида Грузия футбол федерацияси жаҳон ареналарини забт этиш илинжида терма жамоа бошқарувини германиялик Клаус Топпмеллерга топширгани ҳақида маълум қилган эдик.***

УЕФА расмий сайтининг хабарига кўра, ён қўшнимиз - қозоғистонликлар ҳам айнан Евро-2008 баҳсларидаги иштирокни таъминлаш мақсадида терма жамоага голландиялик мураббий Арно Пайперсни таклиф этишди.

- Биз футбол мухлисларига ажойиб янги йил совғаси тақдим этишни режалаштиргандик, - дейди Қозоғистон Футбол Кенгаши президенти Роҳат Алиев. - Арно Пайперс ҳамиша қўл остидагиларни юқори чўққиларга олиб чиқа олган истеъдодли мураббийлардан бири ҳисобланади. Умид қиламизки, Қозоғистон терма жамоаси ҳам унинг етакчилигида Европа чемпионати саралаш баҳсларини омадли якунлаб, Евро-2008 иштирокчисига айланади.

Арно Пайперс мураббийликни бошлаган илк йилиёқ (2000 йил) Нидерландия ўсмирлар терма жамоасини Европа чемпионатининг бронза медали соҳиблигига бошлаб борганди. Сўнг, ўз фаолиятини Эстониянинг "Флора" клуби билан боғлаган мураббийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу жамоа уч карра мамлакат чемпионати, икки карра Эстония кубоги ғолиблиги, 2002 йили эса Эстония суперкубогини қўлга киритган эди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

### "AUKSION-RIELT" корхонаси сизларни аукцион савдоларига таклиф қилади!

2006 йил 31 январ, 7, 14, 21, 28 феврал ва 7, 14, 21, 28 март кунлари соат 10.00 да бўладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган, "Нафақа файз" хусусий фирмасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-26 мавзеси, 3-уй манзили бўйича жойлашган Маҳалла гузари биносининг майдони 128 кв.метрга тенг бўлган қисми, бошланғич нархи 6193175 сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Қибрай тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган, "SANQURTA'MIRLASH" ОАЖнинг "NERUDNIK-YALLAMA" шўъба хўжалик жамиятига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Яллама" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган бино ва иншоотлар (гараж биноси, транспорт станцияси, ёзги ошхона шийпони, ишлаб чиқариш шийпони, шағал ажратиш цехи, ёрматош ажратиш цехи, маъмурий бино, сув кўтаргич минораси, хомашё омбори, ташқи газ қувури) ҳамда 19 турдаги асбоб ва ускуналар, умумий бошланғич нархи 47528962,2 сўм.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган, давлат фойдасига мусодара қилинган Тошкент шаҳри Яккасарой тумани У.Носир кўчасида жойлашган 60-уйнинг умумий майдони 66,2 кв.метр бўлган 12-хонадони, бошланғич нархи 2861000 сўм.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун харидор ариза топшириши ва объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.**

**Аукцион савдоси нарх ошиши кўринишида ўтказилади. Ўсиш қадами савдо жараёнида юзага келган нархнинг 10 фоизигача миқдорида белгиланади. Энг юқори нархни таклиф қилган қатнашчи савдо ғолиби ҳисобланади. Аукцион ўтказилган куни савдо ғолиби ва савдо ташкилотчиси шартнома кучига эга бўлган якуний баённомани имзолайдилар.**

**Аукцион савдосини ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 "б"-уй. Телефонлар: 133-61-86, 133-65-41.**

Корхонанинг гувоҳномаси № 000267





## Азиз юртдошлар!

## Акциядорлик тижорат "Пахта банк"



**Сизларни тобора яқинлашиб келаётган Янги 2006 йил билан чин дилдан қутлайди ва Сизларга миллий валютадаги жамғарма ва муддатли омонатлари билан биргаликда**

**"АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ" омонатини ҳам таклиф этади.**



**АҚШ долларида омонатга нақд пул қўясиз ва АҚШ долларида нақд фоизи билан оласиз!**

***Омонатнинг сақлаш муддатлари 3 ойдан – 3 йилгача бўлиб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 6 фоизгача даромад тўланади.***

***Шу билан бирга эслатиб ўтамиз, йиллик 34 фоиздан 37 фоизгача даромад тўланадиган Мўъжиза, Имконият, Орзу, Кафолат, Обод юрт каби муддатли омонатларга бўш пул маблағларни қабул қилиш давом этмоқда!***

**Янги йилингиз омадли келсин!**

**"Пахта банк" - фаровонлигингиз калитидир!**



## Азиз юртдошлар!

## Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркор жаноблар!

*Республика Кўчмас мулк биржаси ва "Ким ошди савдолари" агентлиги жамоаси Сиз азизларни кириб келаётган янги – 2006 йил билан қизғин муборакбод этади.*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

*Янги йил барчамизга олам-олам бахт ҳамда қувонч олиб келсин! Ватанимиз тинч, оилаларимиз обод ва юртдошларимизга бахту иқбол доим ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.*

**Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!**

Манзилимиз: Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 мавзеси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1 "А"-уй. Тел.: 136-15-28, 136-26-26, 399-80-26; Факс: 136-06-17. **www.rkmb.uz**



## Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан ХАЛҚ БАНКИ

BANK

**Мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини кириб келаётган**

***Янги 2006 йил - "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"***

**билан самимий муборакбод этади.**

**Янги йилда Сиз, азизларга, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака ва оилавий бахт тилайди.**

**Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.**

**Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.**



**Халқ банки – сизнинг оилангиз банки!**


Утерянный аттестат UZO № 028453, выданный гимназий № 20 г.Чирчика Ташкентского обл. в 1998 г. на имя Ли Дмитрий Вадимович, считать недействительным.

"Когонёғ" ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси **Самад БОЛТАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2006 йил 1 январ, якшанба куни чиқади.


Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: **Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 136-58-83, 136-56-25, **Котибият** - 133-95-17, **Реклама ва эълонлар** - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, **Факс** - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; **Андижон** – 8-374-22-234-08; **Бухоро** – 8-365-22-644-61; **Жиззах** – 8-372-22-606-34; **Навоий** – 8-436-22-60-525; **Наманган** - 8 - 369-41-234-23; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-2-33-70-57; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61; **Сирдарё** – 8-367-37-23-813; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ⓗ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** **700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй**

**Навбатчи:** М. АБДУСАМАТОВ

**Саҳифаловчилар:** Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ

**Мусаҳҳиҳ:** Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

**E-mail: kishlokhayoti@mail.ru**

Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади -9375

**Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6